



**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН БОЛАЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ПСИХОЛОГИК ЎРГАНИШ**

**Ж.Зайнобиддинов**

*Психология фанлари номзоди, доцент  
Фарғона давлат университети*

Мавзунинг долзарбилиги. Халқаро миқёсда имконияти чекланган болаларга ўз имконият ва қобиляти даражасида маҳсус ёки умумтаълим муассасаларида таълим бериш, соғлом тенгдошлари орасида интеграциялаш тажрибалари Ўзбекистонда ҳам кенг тарғибот қилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" деб белгилаб қўйилганлиги ҳам таълим соҳасига бўлган улкан эътибордир. Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Таълим тӯғрисидаги қонунга алоҳида модда киритилиши ва ушбу модда инклюзив таълимга бағишланганлиги дикқатга сазовордир.

Кириш. Бугунги кунда инклюзив ёки инклюзив таълим - бу ногирон болаларни меъёрий ривожланаётган тенгдошлари билан биргаликда таълим олишидир. Бундай амалиётда алоҳида таълимга муҳтож болалар бошқа болалар билан биргаликда ўсиб-улгайишлари ва ривожланиши, мунтазам таълим муассасаларига боришлари ва уларда дўстлашишлари мумкин.

Алоҳида таълимга муҳтож болаларни илк ёшдан ташхис қилиш, таълимга тайёрлаш, психологияк, тиббий-педагогик ёрдамларни комплекс йўналтирилган ҳолда сифатли ташкил этиш, меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни такомиллаштириш, умумтаълим давлат стандартларини маҳсус таълимнинг барча йўналишларига мослаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Педагогик кадрларни тайёрлаш тизими, хусусан психология соҳаси ҳам бундан истисно эмас. Ҳар бир болани унинг ривожланишда нуқсонлар кузатилган тақдирда инклюзив таълим йўналишини мактабгача ёш даврида таълим шаклини тўғри танлаш, якка таъсир воситаларини аниқлаш учун чуқур психологияк ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган бола ҳам барча болалардек бола ҳисобланади ва у тан олиниши, хурматга сазовор бўлишига ҳақлидир. Бола, у қандай ҳолатда ва қандай имкониятга эга бўлишидан қатъий назар ҳар доим катталар ёрдамига муҳтождир. Уни ажратиш ёки алоҳида ном билан аташ инсонпарварлик нуқтаи назарига тўғри келмайди.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларга нисбатан "аномал болалар", "ногирон болалар", "кўр болалар", "кар болалар", "акли заиф болалар", "ҳаракат таянч аъзолари фалажланган болалар" ва х. к. тушунчалар ишлатилиб келинди. Аммо ушбу тушунчалар алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларни ҳуқуқларини поймол қилади. Ота-оналарга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар нормал ривожланишдаги болалар каби топшириқ ва вазифаларни тезлик билан мукаммал амалга ошира олмасаларда, аммо имконият даражасида бажара оладилар. Боланинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ижобий муносабатда бўлиш тарбиялашнинг муҳим усулидир. Шунинг учун ҳам таҳқирлашларга йўл қўймаслик талаб этилади.

Асосий қисм. Маълумки, боланинг шахс сифатида ривожланишига, унинг ижтимоийлашувига хизмат қиладиган асосий оила ва оиласидаги шахслараро муносабатлардир. Шу боис бола тарбияси ва таълими самарадорлиги тўғридан-тўғри ота-оналарнинг ижтимоий-психологик мослашуви даражаси билан белгиланади. Бу уларнинг ўз фарзандлари ривожланишининг ўзига хос ҳусусиятлари, аклий ривожланиш сифатининг асосий ҳусусиятлари ва уларнинг ёш меъёрларига мувофиқлиги ва ҳиссий-ижобий ижтимоий роли ҳисобланади.

Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган боланинг ривожланиши қўп жиҳатдан оиласидан оиласидан фаровонликка, унинг жисмоний ва маънавий ривожланишида ота-оналарнинг иштирокига ва турли хил таълим таъсирига боғлиқ. Оддий шароитларда бола ҳаракатчанлиги, кўнгил очиши ва ҳоказолар туфайли жуда қўп сонли огохлантирувчи манбадир. Алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган бола ҳам ўқитувчиси учун тугалланмайдиган манба бўлиб, факат уларнинг сифати биринчи холатга қараганда бутунлай бошқача. Бундай бола қўпроқ меҳаник ишни, бир хил парвариш ва назоратни талаб қилади ва боладан жавоб, қувончили қониқиши жуда кам бўлиб, бу бир томонлама чарчоққа олиб келади.

Алоҳида таълим эҳтиёжли болаларга таълим-тарбия беришда ота-она ва ўқитувчининг тенг ҳамкорлиқда иш олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. ЮНИСЕФнинг инклузив таълим бўйича тавсияларида "Оиланинг алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар таълимида бутун хаёти, айникса, ривожланишининг илк даврларидаги иштироки муҳим рол ўйнаши", "Ота-оналар ва махалланинг жалб этилиши синфда ва синфдан ташқарида ҳам инклузив таълимнинг сифати учун муҳим" эканлиги ва "Ота-оналар ва



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

мактаб ўртасидаги ижобий муносабатларнинг болаларнинг ҳаётий позицияси ва таълим соҳасидаги ютуқларига таъсир этиши", "Бу нафақат алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар, балки ота-оналар, синфдошлар, педагоглар ва мактаб учун ҳам фойдали" эканлиги каби қатор омиллар инклузив таълим шароитида мактаб ва ота-оналар ҳамкорлигининг долзарблигидан далолат беради.

Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашга ҳаракат қилишади, унинг асабийлашувидан, эгосентризмдан, ижтимоий ва ақлий инфантализмдан қочиб, унга тегишли машғулотлар, кейинги иш учун касбга йўналтириш беришади. Бу ота-оналарнинг педагогик, психологик, тиббий билимларининг мавжудлигига боғлик, чунки боланинг мойиллигини, унинг нуқсонига муносабатини, бошқаларнинг муносабатига бўлган карашларини аниқлаш ва баҳолаш, унга ижтимоий мослашишда ёрдам бериш, ўзини-ўзи англашни максимал даражага кўтариш учун маҳсус билим керак.

Уй боланинг тарбиялайдиган асосий маскан ҳисобланади. Агар бола уйда ўзини яхши хис қиласа, у мактабда ҳам ўзини дадилроқ ҳис қиласди. Ота-оналарга инклузив таълимга жалб этилган болаларни оилавий тадбирларга ва оиланинг кундалик ҳаётига қай тарзда жалб қилишни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этувчи масала ҳисобланди. Оиланинг барча аъзолари алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган бола билан мулоқотда бўлишлари лозим. Ота-оналарга боланинг жавобини кутишга, унинг фикрини болани мустақил танловга ва қарорлар қабул қилиш ҳамда рағбатлантиришга ўргатиш лозим.

Инклузив таълим эҳтиёжига эга болаларни уй ишларига жалб қилиш дахлдорлик ва масъулият ҳисларини ривожлантиришда катта аҳамиятта эга. Энг оғир ривожланиш бузилишига эга бола ҳам ниманидир амалга ошириши, қўлидан келганча буюмларни тартибга келтиришда, идиштевокларни ювишда, таом тайёрлашда, кўчатлар экишда ва ҳоказо ишларда қатнашиши мумкин.

Ота-она дарс машғулотларида ҳам иштирок этиб, боланинг ютуқларидан қувонаётганлигини, унга бўлган ишончини амалий тарзда намоён этиши керак. Олиб борилаётган таълим жараёнига ўз муносабатини билдириш, фарзандининг олган билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишига кўмаклашиши ота-онанинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ота-оналарнинг фаоллигини ошириш мақсадида таълим масканида тренинг машғулотлари, давра сухбатлари ҳам мактаб ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бундай машғулотларни қўп маротаба ўтказиш натижасида ўқувчиларда миллий қадрияtlарга ва оиланинг мукаддас



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

эканлигига оид билимлари ривожланади. Синф үқувчилари ўртасида ўзаро дўстона муҳит янада мустаҳкамланади.

Инклузив таълимни тизимли, самарали жорий этиш ота-оналар билан олиб бориладиган ишларнинг шакллари, усуллари, кўлами ва сифати билан узвий боғлиқ бўлиб, таълим муассасаларидан алоҳида масъулият ва инновацион ёндашувларни талаб этади.

Замонавий мактабда инклузив таълимни ташкил этиш муаммолари биринчи навбатда мактабнинг ички маданияти ва стандартлари билан боғлиқ бўлиши лозим. Инклузив таълим жорий қилинган мактабларда аввалом бор ўқитувчиларнинг ўзларини психолого-тайёргарликларини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчининг инклузив таълимнини амалга оширишга қаратилган психолого-тайёрлиги остида таълимдаги ёндашувни, биз яхлит, шахсий таълимни тушунамиз. Ижтимоий, аҳлоқий, психологик умумийлигини ифодаловчи ва юқори малакага эга бўлишга имкон берадиган профессионал фазилатлар ва қобилияtlар, самарали фаолиятни амалга ошириш имкониятини таъминлайдиган, алоҳида таълимга эҳтиёжлари бўлган болани таълим жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатларга жалб қилиш бўйича самарадорлик даражасида имкон бериш керак.

Бизга маълумки, бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб остонасига қадам қўйган болаларда илк таассуротни "Мехрибон она" қиёфасида гавдалантиради. Аксарият болалар мактаб томон кўкка қанот қоқиб парвоз этаётган қушдек учиб келади. Бу жараёнда инклузив таълим эҳтиёжи бўлган болаларни мактабга қабул қилиш унга эътибор бериш эса янада масъулиятлидир. Аввало инклузив таълимга жалб этилган бола ўқитувчида ўз онасидек меҳрибонлик, шириңсўзлик ҳислатларини кўриши керак. Бунинг учун эса, ўқитувчи боланинг оиласи билан яқиндан танишиб олади. Ўқитувчи бу борада ота-оналарга синфдаги болалар сони, ушбу болалар та’лим эҳтиёжи бўйича қай даражада, одатда, болалар синфда ва танаффус вақтларида нима билан шуғулланадилар, синфда ўзини тутиш қоидалари, ўқитувчи дарсда ва дарсдан ташқари қандай усулларни қўллайди, синфдаги болаларнинг муносабатлари, қандай уй вазифалари берилиши ҳақидаги дастлабки маълумотни беради.

Биринчи навбатда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болада ўзига бўлган ишончни шакллантирувчи машғулотлар олиб борилади. Ўқитувчи бола учун самарали ўқув материали ва усулларини танлаб олиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек расмлар, рақамли ва тармоқ ресурсларидан, ўқув



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

фильмларидан, аудио ёзувлардан хам фойдаланиши мумкин. Машғулотларга материалларни тайёрлашда боланинг қизиқишлари, бажара олиш имкониятлари ҳисобга олинади. Машғулотлар давомида алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган боладан вазифаларни синфдаги бошқа болалардан қабул қилингани каби қабул қилинади ва рухлантирилади. Ютуқларини ва камчиликларини ҳам ўз ўрнида тушунтирилади. Бундай жараён алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болада ўзига бўлган ишонч туйғусини шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Боланинг бошқа болалардан кам эмаслиги, унинг ҳам ўзига яраша қобилияти ва истеъоди бор эканлигини юзага чиқарувчи таълимий ва тарбиявий усуллардан фойдаланиш жуда муҳим. Агар инклузив таълим жараёнида ўзаро кўнгилли муҳит юзага келса ва унда болалар фаол иштирок этсалар, бундай таълим барча болалар учун фойдали ва яхши наф келтиради. Ҳамкорлик умумий мақсадларга эришиш учун биргаликда ишлашни англатади. Биргаликда таълим олиш дарс ўтиш жараёнинг фаол шакли бўлиб, унда болалар кичик гурухларда муайян топшириқни бажариш учун биргаликда ишлайдилар. Ўзаро гурухларда кўпроқ беллашувлар, викториналар, тақдимотлар ўтказиш натижасида алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болаларда фаоллик ошади. Шунингдек мустақил ва эркин фикрлаш жараёнлари ҳам ошади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керак-ки, ўқитувчи боладаги истеъодни қўра билиши керак. Унинг камчиликларини бартараф этиш учун ўқувчидағи қобилият ва имкониятдан самарали ва оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитувчининг касбий ишончи, ҳиссий ва мотивацион инклузив муҳитда ишлашга тайёргарлик кўп жиҳатдан мактабни инклузив жараённи амалга оширишга тайёрлаш бўйича тўғри тузилган ишларга боғлиқ. Таълимда инклузивликни ривожлантириш шароитида ўқитувчи баъзан психологик қўллаб-қувватлаш тизимини ташкил этиши керак, баъзан эса психологик ёрдам ва назорат, яъни касбий тажрибани профессионал даражада биргаликда таҳлил қилишда, аниқ ҳолат, салбий ҳис-туйғуларни енгиш лозим. Бундай ёрдамни кўрсатиш учун мактаб психологи ўз ишига масъулият билан проффиционал тарзда ёндошиши муҳимдир.

Ўқиши ва ўқитишининг самарали усулларидан фойдаланишда алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган боланинг билим даражаси ва имкониятлари эътиборга олинади. Бундай ёндошувлар алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган боладаги қўрқиши, тортинчоқлик каби ҳислатларни бартараф этишга ёрдам беради. Айниқса, тортинчоқликни синфда дўстона муҳитни яратиш орқали



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

бартараф этилади. Синфдошлари унга нисбатан ачиниш билан қарамасликларини олдини олиш, үқитувчидан каттагина педагогик маҳорат талаб этади.

Хулоса. Үқитувчи ва үқувчилар билан мулоқот қилиш ва уларнинг психологияк ҳолати ва ҳусусиятларини ўрганиши, ўз маслаҳатлари билан консультация бериши ҳамда үқитувчининг касбий фаолиятини таҳлил қилиш усусларини билиши лозим. Шу билан бирга, үқитувчининг ишончи услугий ёрдамга эга профессионални шакллантириш учун муҳимдир. Ривожланиш талаб этиладиган умумий педагогик технологиялар, ривожланаётган дарс моделлари, қўллаб-куватлаш ва болаларнинг ҳамкорлиги, ота-оналарни педагогикага жалб қилиш таълим сифатини ошириш омили ҳисобланади. Үқитувчининг үқувчиларга мослашувчанлиги, үқувчини дарсларга бўлган қизиқишини ошириш ва бошқа томондан таълим жараёни доирасини саклаш, боланинг имкониятларини кўра олиш, уларни иқтидорларини намойиш қилишга ёрдам бериб, ижодий салоҳиятини ошириш, үқувчини эришган ютуқларини рағбатлантириш, уларни қўллаб-куватлаш борасида ишлар амалга оширилади.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ж.Зайнобидинов //IDENTIFICATION AND IMITATION ARE THE QUALITY OF MOTIVATION FOR CAREER CHOICE OF TEENAGERS// American Journal of Interdisciplinary Research and Development. Volume 17, June, 2023. 99-101.
2. Zaynobbiddinov Jamoldin. (2023). THE ORIGIN OF STUDENTS WHO DO NOT LEARN AT SCHOOL DEPENDS ON SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL FACTORS. Uzbek Scholar Journal, 13, 54-59.
3. Zaynobbiddinov Jaloldin. (2022). STUDY OF NON-ASSIMILATING STUDENTS IN PSYCHOLOGICAL SOURCES IN FOREIGN LITERATURE Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(12), 1680-1685.
4. ЗАЙНОБИДДИНОВ ЖАЛОЛИДДИН //ИДЕНТИФИКАЦИЯ КАК ФАКТОР ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ НАПРАВЛЕННОСТИ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ БУДУЩЕГО УЧИТЕЛЯ// ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ. Екатеринбург, 19 марта, 2021 года. 305-311 стр.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

5. Зайнобиддинов, Ж. (1989). Особенности влияния идентификации на формирование профессионально-педагогической направленности студентов. Изд-во ЦКФЛРАО.
6. Антонова, Н. В., Буякс, Т. М., Ермолаева, Е. П., Зайнобиддинов, Ж. И., Заковоротная, М. В., Кузин АВ, К. Н. В., & Кузьмин АВ, О. РАЗДЕЛ 2. ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ СПЕЦИАЛИСТОВ.
7. Mirzajonova E. ACTUAL PROBLEMS OF INCLUSION IN THE CONTEXT OF SOCIAL PARTNERSHIP. Uzbek Scholar Journal. 2022/5/28. 96-101 pages.
8. Mirzajonova Eleonora Topvoldiyevna, Xomidov Abdullaon Adxam o'g'li //ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ МЫШЛЕНИЯ ДЕТЕЙ С НАРУШЕНИЯМИ РЕЧИ, ОБУЧАЮЩИХСЯ В УСЛОВИЯХ ИНКЛЮЗИВНОГО ОБРАЗОВАНИЯ// FARS International Journal of Education, Social Science & Humanities. Volume-11 | Issue-1 | 2023. 217-225 pages.
9. Eleonora Topvoldievna Mirzajonova, Odinaxon Raxmanovna Parpiyeva //Modern Special Preschool Education: Problems and Solutions// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. Vol. 9. 06-2022. 100-106 pages.
10. Topvoldievna Mirzajonova Eleonora, Abdukadirova, Yulbarsovna Laura //Actuality of psychological support in work with children from the risk group// ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, Volume 12 | Issue 6 | 2022. 51-56 pages.
11. Eleonora Topvoldiyevna Mirzajonova, Rasuljon Raxmonali o'g'li Tilavoldiyev //O'SMIR YOSHDAGI O'QUVCHILARDA AXBOROTDAN FOYDALANISH MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING ILMYIY NAZARIY ASOSLARI// International Journal of Education, Social Science & Humanities. FARS Publishers. Volume-11. Issue3. 2023. 660-669 pages.
12. Eleonora Topvoldiyevna Mirzajonova, Dostonbek Muxtarjon o'g'li Masharipov //INKLYUZIV TA'LIM OLAYOTGAN BOLALARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARINI PSIXOLOGIK-PEDAGOGIK O'RGANISH// INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference 25 th March, 2023. Washington, USA: "CESS", 2023. Part 28. 192-199 pages.
13. Pulatova, G., & Muhammadjonov, J. (2023). 5-6 YOSHLI MAKTABGACHA YOSHDAG'I BOLALARNING NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA ERTAK VA MAQOLLARDAN FOYDALANISHNING AHAMIYATI. Евразийский журнал академических исследований, 3(5 Part 3), 48-58.



## "INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2023"

14. Пулатова, Гулноза //Theoretical analysis of the study of the phenomenon of bilingualism// Общество и инновации 2.6/S (2021): 200-204.
15. Pulatova, G.M. //WAYS TO INFLUENCE THE CHILD'S PSYCHE THROUGH FAIRY-TALE THERAPY// Психологическое здоровье населения как важный фактор обеспечения процветания общества. 2020.
16. Pulatova Gulnoza, Toshboltaeva Nodira, //Conflict logical Competence of the Teacher as A Condition for Positive Interaction in the Educational Environment// Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. Volume 14 | November, 2022. 14-17 pages.